Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2000 йил 2 декабрь, шанба • №93 (11.278) • Эркин нархда сотилади

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## МУБОРАК ҲАЖ ЗИЁРАТИГА БОРУВЧИЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ ҲАҚИДА

***Мамлакатимиз фуқароларининг виждон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, муборак Ҳаж амалларини адо этишда қулайлик, имтиёз ва зарур шароитларни яратишга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:***

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2001 йилда Ҳаж зиёратини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Муборак Ҳаж сафарини ташкил қилиш, зиёратчилар рўйхатини республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази, "Маҳалла" ва "Нуроний" жамғармаларининг жойлардаги бўлинмалари вакиллари иштирокида кенг жамоатчилик фикрини эътиборга олган ҳолда тузиш, мусулмонларнинг талаб-эҳтиёжларини адолатли равишда қондириш масъулияти Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарияти, унинг жойлардаги мутасадди вакиллари зиммасида эканлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита уларга ёрдам кўрсатиши эътиборга олинсин.

3. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси (А.Рўзметов) 2001 йил февраль-март ойларида зиёратчиларнинг Ҳаж сафарига бориб-келишлари учун қулай шароитлар яратиш, Тошкент-Жидда-Тошкент йўналишидаги авиачипталарнинг нархини арзонлаштириш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Комилов), Давлат божхона қўмитаси (С.Арипов) Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг тақдимига кўра зиёратчиларнинг сафар ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштиришни таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров) Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги томонидан қўйилган тиббий талаблар ва мамлакатнинг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда зиёратчиларни кўрикдан ўтказишни, Ҳаж даврида уларга ёрдам кўрсатишни ташкил этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) ва Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ноқонуний йўллар билан Ҳаж зиёратига бориши оқибатида рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш ҳамда зиёратчиларнинг умумий хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини белгиласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки (З.Мирхўжаев) Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасдиқлаган рўйхатга биноан, мамлакатимиздан Ҳажга кетаётган ҳар бир фуқаро учун 1500 (бир ярим минг) АҚШ долларини имтиёзли - воситачилик ҳақи олмаган ҳолда алмаштириб беришни таъминласин.

Зиёратчиларнинг тегишли миқдордаги сўмларини жойларда умумлаштирилган ҳолда йиғиб олиш ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг тегишли бўлимларига топшириш Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг масъул ходимлари зиммасига юклансин.

Бу маблағлар Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Миллий банкдаги махсус ҳисоб рақамига жамланиб, белгиланган миқдори конвертация қилинсин. Конвертация қилиш чоғида улар воситачилик йиғимларидан ҳамда маҳаллий солиқлардан озод этилсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон мусулмонлари идораси барча зарур тўловларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг чет эл банкларидаги корреспондент ҳисоблари орқали пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

9. Ўзбекистон Республикаси пул-кредит сиёсати комиссияси (Ф.Муллажонов) Ҳажга борувчи фуқаролар ва ҳожиларга хизмат кўрсатувчи ишчи гуруҳининг сафар харажатлари учун валютани республика биржаси орқали Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига имтиёзли равишда - воситачилик ҳақи ҳамда валюта сотиш учун ундириладиган тўловларни олмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий курси бўйича сотишни таъминласин.

10. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда оммавий ахборот воситаларига муборак Ҳаж зиёратининг моҳияти ва талабларини, уни амалга оширишнинг тартиб-қоидаси, муддати, барча шартларини, унинг якунларини кенг ва ошкора ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 29 ноябрь.

## ПРЕЗИДЕНТ МИНСККА ЖЎНАБ КЕТДИ

***1 декабрь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этиш учун Беларус пойтахти - Минскка жўнаб кетди.***

Саммитда МДҲга аъзо мамлакатларнинг деярли барчасидан президентлар иштирок этиши кутилмоқда. Мажлисда МДҲ доирасида интеграциялашув жараёнини янада жадаллаштириш билан боғлиқ кўплаб масалалар муҳокама қилиниши кутилмоқда. Хусусан, эркин савдо зонаси барпо қилиш борасида имзоланган ҳужжат ижросини таъминлаш, Ҳамдўстлик доирасида ягона аксилтеррор маркази тузиш, жиноий йўллар билан қўлга киритилган маблағларнинг қонунийлаштирилишига қарши курашиш билан боғлиқ масалалар саммит кун тартибидан ўрин олган.

Ўзбекистон раҳбари саммитда асосий эътиборни МДҲ мамлакатлари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга қаратмоқчи. Жумладан, Ўзбекистон Ҳамдўстлик доирасида эркин савдо зонасини барпо этиш борасида тезроқ амалий ишларга ўтиш тарафдори.

Саммит доирасида президентларнинг яккама-якка учрашувлари ҳам режалаштирилган.

***(ЎзА).***

## ҚОНУНЛАР ИШЛАСА ИСЛОҲОТ ҲАМ ЮРИШАДИ





***ЯНГИЙЎЛ туманидаги «Ниёзбоши» хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар, юзага келаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўл-йўриқлари мавзусига бағишланган вилоят машғулот-кенгаши бўлиб ўтди.***

*Бугуннинг гапи*

УНДА барча туман ҳокимликларининг қишлоқ хўжалик масалалари билан шуғулланувчи муовинлари, туманларнинг қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари бошлиқлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги раҳбарлари, фермер хўжаликлари бошлиқлари, хўжаликларнинг бош иқтисодчи ва бухгалтерлари иштирок этдилар.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Акбарали Йўлчиев машғулот-кенгашни очар экан, ушбу тадбирни ўтказишдан кутилган мақсад хусусида тўхталиб, асосий эътиборни иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришга ҳалал бераётган камчилик ва хатоликларнинг, муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур ва атрофлича таҳлил этишга, фойдали тавсия ва таклифлар киритишга, навбатдаги муҳим вазифаларни тўғри белгилаб олишга қаратиш, бунинг учун эса ушбу кенгашни эркин ва холис, ўзаро баҳс-мунозара, савол-жавоб тарзида ўтказиш таклифини ўртага ташлади. Машғулот-кенгаш иштирокчилари бу таклифни маъқулладилар. Дастлаб Ўзбекистон бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи Норқул Хушматов ҳамда республика Адлия вазирлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдуқодир Наврўзовнинг машғулот-кенгаш муҳокамасига қўйилган масалага оид маърузаларини тингладилар.

– Республика Вазирлар Маҳкамасининг жамоа хўжаликларини ширкатларга айлантириш тўғрисидаги қарори қандай ижро этилаётгани ҳақида очиқ ва холис гаплашиб олсак, бутун мамлакатда, хусусан Тошкент вилоятида ҳам ислоҳотларнинг боришига оид ютуқлар, камчиликлар ва албатта, муаммолар ўз-ўзидан аён бўлади, – деди Норқул Хушматов. Сўнг ширкат хўжалигининг ўзига хос жиҳатларини шарҳлаб берди.

Хўш, хўжаликнинг мол-мулкини қайта хатлаш, устав ва пай жамғармалари нима ўзи? Ер қиймати-чи? «Ҳар бир ширкат аъзосининг пай улуши» деганда оддий деҳқонлар нимани тасаввур қилишлари керак? Мана шу тушунчалар ҳар бир пудратчининг онгига етиб бормас экан, жамоа хўжалиги ширкатга айланмайди. Айлантирилганда ҳам бу фақат қоғозда бўлиб, хўжаликда иш юритиш «эски ҳаммом, эски тос»лигича қолаверади.

Ҳақиқатан ҳам тушунтириш ишлари яхши эмаслиги сабабли бошқарув ва пудратчилар ўртасида келишмовчиликлар юзага келаяпти. Масалан, пудратчи «менинг пай улушимда фалон қийматдаги ерга эга эканлигим ёзиб қўйилган, демак, менга шунча ер ажратиб берилиши керак» деб талаб қилади. Ҳолбуки, қонунда белгилаб қўйилганидек, экин майдонларини пудратчиларга тақсимлаш чоғида ер қиймати ҳисобга олинмайди.

Кенгашда, бошқарув ва пудратчилар ўртасида тузиладиган шартномалардаги бирёқламалик ва бошқа нуқсонлар ҳақида, айниқса, қизғин баҳс бўлди. Икки томон манфаатлари тенг ҳисобга олинмай, баъзан ижро этиб бўлмайдиган шартлар ҳам киритилиб, пудратчи иложсиз аҳволга солиб қўйилади.

Айтиш мумкинки, жойларда шартномалар яхши бажарилмаяпти. Чунончи, хўжалик пудратчига ўғит, ёнилғи ва техника воситасини вақтида етказиб бермайди. Оқибатда режа барбод бўлади. Аммо на у томон, на бу томон айбдорни судга бермайди. Аҳвол шундай давом этаверса, шартномаларнинг бир парча қоғоздан фарқи қолмайди. Зеро, кўплаб пудратчилар, фермерлар режани барбод қилишяпти-ю, лекин ҳеч ким улардан зарарни ундириб олмаяпти. Демак, шартнома ишламаяпти.

Шунингдек, кенгаш қатнашчилари ҳукумат томонидан ажратилаётган транш пуллари ҳақида ҳам жиддий эътирозлар билдиришди. Маълумки, транш маблағлари юқоридан нимага сарфлаш лозимлиги тўғрисида махсус кўрсатма билан келади. Демак, хўжалик уни ўзи учун зарур бўлган нарсага сарфлай олмайди. Айтайлик, транш пули кўрсатмага биноан МТПга ўтказилиши керак. Хўжаликнинг эса МТПдан қарзи йўқ. Аммо, пул айнан шу ташкилотга ўтади ёки қайтиб кетади.

Давлатга топширилаётган маҳсулотлар ҳақини хўжаликлар қайси муддатларда олишлари лозимлиги ҳукумат қарорида аниқ белгилаб қўйилган. Аммо, бу қарорларнинг ижроси кўнгилдагидек эмас. Ғалла ва пахта ҳосилини қўя турайлик-у, аммо кўпгина хўжаликлар кўкламда топширилган пилланинг пулини ҳам шу пайтгача ололганлари йўқ.

Машғулот-кенгаш давомида ислоҳотларга тўғаноқ бўлаётган ана шундай хато ва камчиликларни бартараф этиш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўл-йўриқлари белгилаб олинди.

***Ўз мухбиримиз.***

*СУРАТЛАРДА: машғулот-кенгашдан лавҳалар.*

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

## ЖУМАДАН ЖУМАГАЧА

**• Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «БМТнинг фуқароларни маҳаллий ўзини ўзи бошқариш Хартияси сари – XXI аср талаби» мавзуида халқаро анжуман бўлди.**

• Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик кенгаши котиби М. Раҳмонқулов, Ташқи ишлар вазири А. Комилов ва Президентнинг матбуот котиби Р. Жумаев иштирокида ўтказилган матбуот анжумани маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларини минтақамизда юзага келган вазият билан яқиндан таништириш ҳамда турли уйдирмаларнинг олдини олиб, жамоатчиликка тўғри ахборот етказиш масалаларига бағишланди.

**• Республика хотин-қизлар қўмитасида Ўзбекистонда репродуктив саломатликка доир дастурларни ахборот билан қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.**

• Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида 2001 йил ҳосили учун ғўзанинг истиқболли, тезпишар, серҳосил навларини жойлаштириш, Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги экинларини баҳорги экишни уюшқоқлик билан ўтказиш ҳамда 2000 йилда давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ҳисоб-китобларни ўз вақтида таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

**• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлди.**

• 5-6 декабрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтадиган «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури: ислоҳотлар натижалари ва истиқболлари» номли иккинчи халқаро илмий-амалий анжуманнинг мақсади – туб ўзгаришлар жараёнини ўрганиш ва муҳокама қилиш, тегишли тавсиялар тайёрлашдан иборат.

## ВИЛОЯТ ҳаёти

### «ЭКОСАН»НИНГ ЭҲСОНИ

***«ЭКОСАН» экология ва саломатлик халқаро жамғармаси Юқоричирчиқ тумани ҳокимлиги ташаббусини қўллаб-қувватлаб, «Соғлом муҳит – соғлом авлод кафолати» дастури доирасида навбатдаги хайрли тадбирни ўтказди.***

Жамғарманинг вилоят ва туман бўлими марказий акушерлик мажмуига ҳар бири 25 литрли жами 47 минг 500 сўмлик полисепт дезинфекция моддасини топширди. Мажмуа ходимлари жойларда турли касалликларнинг олдини олиш мақсадида ушбу дoридан самарали фойдаланиш чораларини кўрмоқдалар.

***Иноғом ХОЛТУРСУНОВ.***

### ХАСТА КЎНГИЛЛАРНИ ШОД ЭТИБ

***БЎСТОНЛИҚ туман ҳокимлигининг ташаббуси билан Халқаро ногиронлар кунига бағишлаб хайрия марафони ўтказилди.***

«ХАСТА кўнгилларни шод этиб» шиори остида уюштирилган ушбу тадбирда тумандаги ўнлаб хўжалик, корхона, ташкилот, муассаса жамоалари иштирок этди. Жумладан, туман йўл қурилиш бошқармаси ва «ПОЭСИ» ишлаб чиқариш корхонаси 100 минг сўмдан, туман солиқ инспекцияси, ижтимоий таъминот, халқ таълими ва маданият бўлимлари ходимлари бир кунлик иш ҳақларини ҳайрия марафони ҳисобига ўтказадиган бўлдилар.

Хайрли тадбирдан тушган маблағлар туманда истиқомат қилувчи ногиронларни ижтимоий қўллаб-қуватлашга сарфланади.

***Ўз мухбиримиз.***

### «БЕТОНИНВЕСТ» ЙИРИК ҚУРИЛИШЛАРГА

***Олмалиқдаги «Бетонинвест» акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш ҳажмини бир ярим бараварга кўпайтирди.***

Айни кунларда бу ерда тайёрланаётган темир-бетон маҳсулотлари республикамиздаги йирик қурилишларга пешма-пеш етказиб берилмоқда. Тошкент вилоятида барпо этилаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилишларида корхонада ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли маҳсулотлардан, айниқса, кенг фойдаланилмоқда. Жамият аъзолари шу йилнинг ўтган ўн бир ойи мобайнида қурувчиларга 120 миллион сўмлик қурилиш материаллари жўнатишга эришди.

Корхона бундан икки йилча аввал ишлаб чиқариш ҳажмини кескин камайтириб юборган, банкрот ҳолатига келиб қолган эди. Мулкчиликнинг илғор шаклини жорий этиш, бозор талаблари асосида иш юритиш, энг муҳими, мижозлар билан яқин ҳамкорлик қилиш ўз самарасини берди.

***Н.ДУШАЕВ,***
***ЎзА мухбири.***

## МИЛЛИЙ ҒОЯ - ОММАГА

***Республика Маънавият ва маърифат марказида давлатимиз раҳбари асарлари негизида яратилган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласини тарғиб қилиш масаласига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Уни марказ раҳбари А.Болиев бошқарди.***

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси раиси Т.Юнусов ва бошқалар сўзга чиқиб, рисолада баён этилган фикрларни мамлакатимиз ижодий ташкилотлари ёрдамида кенг жамоатчиликка етказиш, тарғиб қилиш, айниқса, ёшларимиз онгига кўп асрлик урф-одатларимиз, аждодларимиз мероси, миллий қадриятларга ҳурмат, турли ёт ғояларга қарши мафкуравий кучни шакллантириш, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш долзарб вазифалардан эканини таъкидладилар.

Республика ижодий ташкилотларининг ҳар бири, ўз йўналишидан келиб чиққан ҳолда, жамиятимизнинг барча қатламлари учун тушунарли бўлган, миллий истиқлол ғояларини ифодалайдиган бадиий асарлар, кинофильм ва спектакллар, мусиқа ва мўйқалам асарлари яратиши лозим. Бу эса ижодий ташкилотлар фаолиятини янада жонлантиришни тақозо этади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Мелибоев сўзга чиқди.

***(ЎзА).***

АЗИЗ ДЎСТЛАР! «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га обуна давом этмоқда!

# ВАТАНГА МУНОСИБ БЎЛИШ ОЛИЙ БАХТ

***Ватан, унинг келажаги, унинг тақдири ҳамма замонларда долзарб бўлиб келган. Бу ҳақда ўйламаган, сўйламаган инсон бўлмаса керак. Тошкент вилояти ҳокимлиги, «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилоти бўлимининг саъй-ҳаракатлари билан Олмалиқ шаҳрининг муҳташам «Кимёгар» маданият марказида ўтказилган маданий-маърифий тадбирда ҳам шу хусусда гап борди.***

*Анжуман*

Саройни тўлдириб ўтирган шаҳар ёшлари, маҳаллалар хотин-қизлар кенгашлари раислари, ўқитувчи-мураббийлар ҳар бир нотиқнинг сўзларига ўз муносабатларини билдирдилар.

Анжуманни вилоят ҳокимлигининг ижтимоий масалалар бўйича котибият мудири Холтўра Шафоатов бошлаб берди. У Ватанимиз келажаги бўлган ёшларга ғамхўрлик, Ватанни севиш қанчалар улуғ ва қанчалар масъул эканлиги хусусида тўхталиб ўтди. Вилоятимиз ёшлари бу борада ҳар томонлама етук, хушёр, хусусан, фидокор бўлиб ўсаётганлигини таъкидлади. Шундан сўнг таниқли адабиётшунос олим, МТДП раиси, Олий Мажлис депутати Иброҳим Ғофуров ўз маърузасини миллат тақдири, Ватан тақдири эканлигига бағишлади. Чиндан ҳам мустақил Ватанимизнинг эртанги куни ҳар жиҳатдан миллатнинг, халқнинг тақдирига боғликдир. Миллатни миллат қилишда ўтмиш аждодларни билиш, улар қолдирган меросни эъзозлаш, миллий мафкура яратиш, ёшларнинг эзгу интилишлари қанчалик аҳамият касб этишини тарих кўп бора исботлаган. Истиқлолнинг ўнинчи йилида яшаётган, янги аср бўсағасида турган мамлакатимиз янада равнақ топиши, янги ғалабаларни қўлга киритиши халқимизнинг суянган тоғи, ўсиб келаётган авлоднинг нечоғлик маърифатли, салоҳиятли, садоқатли бўлишига ҳам боғлиқдир. Нотиқ шу масалаларга атрофлича тўхталиб, ўз мулоҳазаларини батафсил ўртоқлашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Аёл ва оила масалалари» қўмитаси раиси, Олий мажлис депутати, таниқли шоира Шарифа Салимова аёллар уйғонмагунча миллат уйғонмаслиги ҳақида фикр юритар экан, Ўзбекистонда аёлларга, уларнинг ҳар томонлама диққат-эътиборда бўлишига, оила фаровонлиги, барқарорлигига жуда катта эътибор берилаётганлиги, бу муҳим масалага Президентимиз чексиз ғамхўрлик кўрсатаётганлигига барчанинг эътиборини қаратди. Ватанимизда «Аёллар йили», «Оила йили» зўр кўтаринкилик билан ўтказилганлиги, поёнига етаётган 2000 йил — «Соғлом авлод йили»-да фарзандларимиз учун бениҳоя катта ишлар амалга оширилганлиги тўғрисида гапирди. Сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раиси, шоир Маҳмуд Тоиров, «Камолот» ёшлар жамғармаси вилоят бўлими бошлиғи Ёқуб Турсунов, Олмалиқ шаҳар ҳокими муовини Нурмат Ҳотамов, шоира Зарифа Эралиева, олмалиқлик мактаб ўқувчиси Гулноза Мавлоновaларнинг Ватанга муносиб бўлиш буюк бахт эканлиги ҳақида айтганлари ҳам нотиқларнинг дил изҳорларига ҳамоҳанг бўлди.

Анжуман сўнггида Ватан, садоқат, оналар, муҳаббатга бағишланган шеърлар ўқилди. Вилоятимизда яшовчи хонандалар камолот сари дадил ўсиб бораётган Тошпўлат Матқаримов, Дилноза Исмияминовалар юрт шаънини улуғловчи қўшиқлардан ижро этдилар.

Шу куни барча иштирокчиларнинг қалбларига Ватанга садоқат, унинг эртанги кунига ишонч, шижоатли, фидокор бўлиш туйғулари янада чуқурроқ сингганига ишончимиз комил.

***Темир ТИЛЛАЕВ.***

# ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

Бекобод шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг ташаббуси билан уюштирилган бу йиғилишда маҳаллаларда фаолият олиб бораётган отинлар, хотин-қизлар ташкилотлари вакиллари қатнашдилар. Бундан мақсад ёшлар онгига миллий мафкурани чуқурроқ сингдириш, ҳар хил экстремистик оқимлар таъсирига берилишининг олдини олиш, она-Ватанга садоқатли ва эътиқодли қилиб тарбиялаш бўйича олиб борилаётган ишларда уларнинг иштирокини кенгайтиришдан иборат эди.

Йиғилишда шаҳар ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулзира Шарипова шу ҳақда маъруза қилди. Анжуман очиқ мулоқот, савол-жавоб, фикр-мулоҳазаларни эркин баён этиш тарзида қизиқарли ўтди.

***Абдураҳим БОБОНАЗАРОВ.***

*Замона мулкдори*

# ИЖАРАЧИЛИК ЁМОНМАС-У, аммо ФЕРМЕРЛИККА ЕТМАЙДИ

**дейди Қуйичирчиқ туманидаги Улуғбек номли жамоа хўжалиги таркибида фаолият юритаётган «Лочин» мустақил фермер хўжалиги бошлиғи Тўрахўжа ИСРОИЛОВ**

***СУҲБАТДОШ ҳақида икки оғиз сўз. 1992 йилдаёқ мустақил фермер хўжалигини ташкил этган. Ўшандан буён ривожланиб, иқтисодини мустаҳкамлаб келади. Бирор йил ҳам режа барбод бўлмади. 9 гектар ери бор. Учдан икки қисмига пахта, қолганига ғалла экади. Беш ўғли ва яна келинлари бор. Учта қўшни оилани хўжаликка аъзо қилиб олган. Бор-йўқ ишчи кучи — шу. Чопиқ, терим пайтида қўшимча одам ёллайди. Ҳақлари — нақд. Шу боис «мен ишлайман» дейдиганлар кўп.***

Ҳокимликда шу фермерни тавсия қилишди. Ҳовлисига бордик. Оддийгина, деҳқонча дастурхон атрофидаги суҳбатимиз бир бурда нондан бошланди.

**— Қорароқ бўлса ҳам таъми жуда мазали-я...**

— Ўзимизнинг деҳқончиликдан-да. Айтишади-ку, «меҳнатнинг нони ширин» деб. Айниқса, арзон тушишини айтмайсизми. Ҳар йили давлатга тегишлисини топширганимиздан сўнг ўзимизга уч тоннадан кўпроқ буғдой қолади. Керагини тегирмонда торттириб олаверамиз.

**— Ҳокимликда сизни олий маълумотли ҳосилот дейишди...**

— Шундай. Қишлоқ хўжалик институтини битирганимга қирқ йилдан ошди. Ўшандан бери деҳқончиликнинг ичидамиз. Кўп йиллар туманимиздаги хўжаликларда бош ҳосилотлик қилганман. Мустақилликдан сўнг фермерлик ҳаракати бошланиб, тўқсон иккинчи йилга келиб кучайди. Жуда ҳавасим келди. Оиламизнинг сержонлиги ҳам далда бўлди. Мана, кўриб турганингиздек, кам бўлмаяпмиз. Кенжатой ўғлим қолди, униям яқинда уйламоқчиман. Қарабсизки, фразандларнинг хайрли ташвишларидан қутулиб, фақат меҳнату роҳат билан андармон бўлиб яшайверамиз. Ишқилиб, Яратган тинчлигу саломатлик ато этса бўлгани. Қолаверса, ёшимиз ҳам шундай кунларни тусайдиган жойга бориб қолди.

**— Дарвоқе, ёш сўраган савоб дейдилар — нечага бордингиз?**

— Худо хоҳласа — олтмиш тўртга. Лекин, билиб турибман, сиз бошқа маънода сўраяпсиз. Қария бўлсам ҳам, Худога шукур, кучқувватдан қолганим йўқ. Табиатан шунақа — бекор туролмайман. Қачон ётмай, барибир соат тўртда тураман. Бомдод намозидан сўнг далага чиқиб кетамиз. Шунга одатланганмиз. Ёз чилласида тўққиз-тўққиз яримларгача ишлаймиз. Эрталабки нонушта шундан кейин бўлади. Кечки бешлардан сўнг яна далага чиқиб, кўз кўрмайдиган бўлгунча ишлаймиз. Қийналмаймиз, толиқмаймиз. Салқинда иш унади.

**— Хўжаликда ҳам шундай тартиб ўрнатишса бўларкан...**

— Бу — уларнинг, тўғрироғи, раҳбарларнинг иши. Ҳар ҳолда улар жамоа, биз эса мустақил фермермиз.

**— Уларда жамоа бўлиб ишлаб топилган даромад пировардида тенг тақсимланади, яхши ишлаган ҳам, сояпарвар ҳам бирдек ҳақ олади демоқчисиз-да?**

— Мен бош ҳосилот бўлиб ишлаган пайтларимда шундай эди. Ҳозир хўжаликлар ширкатга ўтиб, сарф-харажатларнинг чек тизими жорий этилиб, меҳнат ва даромад тақсимоти бирмунча изга тушиб қолди. Энди даромад ишлаб топилса бўлгани. Лекин бу осон кечмаяпти.

**— Нега?**

— Ўғит, ёнилғи, техника хизмати ва бошқа харажатлар даромаднинг баракасини учирадиган даражада кўтарилиб кетди. Тўғри, ҳукуматимиз ҳам давлат харид нархини йилдан-йилга ошириб бораяпти. Бу, айниқса, биз фермерларнинг жонига аро кираяпти.

**— Ўзингиз гап очдингиз, айтинг-чи, қанчадан даромад қилаяпсиз?**

— Уч миллион сўм атрофида. Лекин ҳаммасини ўзимиз олмаймиз. Уч нафар аъзомизга ҳақларини тийинигача ҳисоблаб берамиз. Одам ёллаганимизда ҳам пулни аямаймиз. Чунки, пулни пул чақиради-да. Ҳақини ёлчитмасангиз, кейинги сафар ишга таклиф қилсангиз чиқмай қўяди.

**— Ғалла, айниқса, пахта ишчи ёллаган билан битиб қолмайди-ку, техника масаласини нима қилаяпсизлар?**

— Айни оғриқ жойдан ушладингиз. Мустақил фермермиз деймиз-у, ўзимизнинг техникамизга эга эмасмиз. Бу ҳақда кўп ўйлайман. Маҳсулотни ўз халқидан орттириб, экспорт қилаётган хорижлик фермерларни кўз олдимга келтираман. Шунда ўзимга тасалли бераман: уларнинг шу даражага етишлари учун юз йиллаб вақт керак бўлган. Биз эса энди бошлаяпмиз. Вақти келиб ўзбекистонлик фермерларнинг ҳам жаҳонга чиқишларига қатъий ишонаман.

Ҳозирча борига барака қилиб туришга тўғри келади. Ростини айтсам, битта тиркамамиздан бошқа техникамиз йўқ. Керагида тракторчи, механизатор дегандек, ўзимиз гаплашиб, келишиб, ишимизни битираверамиз. Қайтага шуниси қулай ҳозир. Ишимиз қолиб кетмайди.

Хўжалик ўзининг экинини ўйлайди. Бу гапни ўз бошимдан ўтказганим учун айтаяпман. Фермер хўжалигимизнинг асосий экин майдонидан ташқари 3,5 гектар ижара еримиз ҳам бор. Ўтган йили пахта эккандик. Яхши ҳосил топширдик. Ҳисоб-китоб қилишиб, 317 минг сўм ҳақ оласиз дейишди. Бироз вақт ўтгач, янглишган эканмиз, деб қайта ҳисоблашди ва анча камайтиришди. Бу ҳам охиргиси эмас экан. Учинчи марта ҳисоб-китобдан сўнг 119 минг сўмга эга бўлдик. Шунисига ҳам шукр.

**— Хўжалик режани барбод қилди, сизлар эса ортиги билан бажарибсизлар. Ўртадаги фарқ анчагина. Буни қандай изоҳлаган маъқул?**

— Ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ. Ҳозиргина айтганимдек, хўжаликнинг экини жамоаники, яъни эгаси — кўпчилик...

Яхшиси бу ҳақда мутасаддилар гапиришсин. Мен эса раҳбар, мутахассис ва деҳқонларга боғлиқ бўлмаган айрим узрли сабаблар хусусида ақлим етганини айтай. Туманимиз ерлари Чирчиқ дарёсига туташ. Шу боис, айниқса, кейинги йилларда ерости сувлари анча кўтарилиб кетди. Бу — ҳар қандай экиннинг заволи. Туманимизда пахта яхши бўлмаётганлигининг асосий сабаби ҳам шу деб ўйлайман. Бу катта муаммо. У тўғри ҳал этилса, туманимизнинг аввалги шуҳрати, албатта, тикланади.

**— Шундай шароитда ҳам сизлар 32 центнердан ҳосил олибсизлар-ку?**

— Аввало, 32 эмас, бироз кўпроқ. Бу — қабул пунктига бевосита ўзимиз топширган пахта. Дарвоқе, кун бўйи далада пахта териш билан бирга қоронғи тушгач, уни пунктга ўзим элтиб топшираман. Нави, тоннаси аслидагидек бўлмагунча, талашиб-тортишаман. Ҳа, пунктдагилар анойилардан эмас. Ярим тунгача қолиб кетсам ҳам, ҳақимни йўқотмасликка ҳаракат қиламан.

Лекин 32 центнерга етганда раис илтимос қилиб қолди. Шундан сўнг хўжалик ҳисобига ҳам уч тоннадан кўпроқ пахта ўтказдик. Уни ҳам қўшиб ҳисобласак, 35 центнердан ошади.

**— Бу яхши-я, лекин буғдойдан 30 центнердан хирмон кўтарибсизлар. Мустақил фермер учун бу жуда кам-ку.**

— Албатта, кам. Аммо айб бизда эмас. Уруғлик нобоп чиқди. Жамоа хўжалиги учун ажратилган уруғликнинг бир қисмига мита тушган экан. Жуда сийрак бўлиб қолди.

Шундан кейин ишловга зўр бердик. Менинг бир одатим бор. Бир йилга етадиганини қишдаёқ ғамлаб қўяман. Бунинг учун пулини вақтида ўтказиб, ташиб оламан.

**— Фермер хўжалигингизни кенгайтириш ниятингиз йўқми? Сезишимча, имкониятингиз етарли.**

— Ният ҳам, имконият ҳам бор. Ҳозир шунинг ҳаракатидамиз. Ҳокимликка учрашаяпман. Бирданига эмас-у, лекин аста-секин фаолиятимизни кенгайтириб бормоқчимиз. Буёғини вақт кўрсатади.

***Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.***

# НОМЗОДЛАРИМИЗ

## Вилоятимизнинг беш нафар энг иқтидорли қизларининг ижодий ишлари Зулфия номидаги Давлат мукофотига тавсия этилди

***Мамлакатимизда истиқлол йилларида хотин-қизларимизнинг қадр-қимматини тиклаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва фаоллигини ошириш борасида жуда кўп ишлар қилинди, имтиёзлар яратилди. Бу жараён давом этмоқда. Бунга 1999 йилда Президентимиз фармони билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилганлиги яққол мисол бўла олади. Фармонда таъкидланганидек, аёлни муқаддас билиш, унга алоҳида эҳтиром кўрсатиш, озод ва обод юртимиз келажаги бўлган етук ёшларни тарбиялашдаги беқиёс ўрнини яна бир бор эътироф этиш, баркамол, оқила хотин-қизлар авлодини вояга етказиш, улар орасидаги иқтидорли ёшларни адабиёт, санъат, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги ютуқлари, тенгдошларининг миллий истиқлол ғоялари ва маданий маънавий қадриятларга эътиқодини юксалиш йўлидаги ибратли фаолияти, кенг кўламли ислоҳотларни жадаллаштиришдаги фаол иштирокини рағбатлантириш мақсадда ушбу юксак мукофот таъсис этилган бўлиб, у мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида аъло хулқи, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари билан алоҳида истеъдодини намоён қилиб таълим олаётган, меҳнат қилаётган иқтидорли қизларга берилади.***

***Ўтган йили республикамизнинг бир гуруҳ ана шундай иқтидорли қизлари бу юксак мукофотнинг соҳиби бўлдилар. 2000 йилда ҳам Тошкент вилоятида Зулфия номидаги Давлат мукофотига энг муносиб номзодларни тавсия этиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда вилоят ҳокимлигининг хотин-қизлар қўмитаси қошида махсус комиссия ташкил этилиб, ушбу комиссиянинг ишчи гуруҳлари вилоят шаҳар ва туманларидан тавсия этилган 40дан ортиқ ижодий ишларни кўриб чиқдилар. Уларнинг ичида 5та йўналиш бўйича энг муносиб деб топилган қуйидаги номзодлар республика Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясига тавсия этишга қарор қилинди.***



**Турғунбоева Гулноза Тоштемировна** – Паркент туманидаги 12-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси. Аъло ҳулқи, билимдонлиги, жамоат ишларида фаол иштироки, бадиий ижод билан шуғулланаётгани ҳамда «Тилак» номли шеърий китоби учун адабиёт йўналиши бўйича мукофотга тавсия этилди.



**Колесникова Ирина Сергеевна** – Янгийўл шаҳридаги 3-касб-ҳунар мактабининг «Нафис санъат» бўлими 2-курс талабаси. Ўқишдаги муваффақиятлари, она-Ватан мустақиллигини, юртимизнинг бой табиатини тараннум этувчи тасвирий санъат асарлари ҳамда аъло ҳулқи учун санъат йўналиши бўйича мукофотга тавсия этилди.



**Ражапова Дилафруз Одиловна** – Тошкент Давлат тиббиёт институтининг 1-курс талабаси. Республика ва вилоят олий даражадаги диплом ва фахрий ёрлиқлари совриндори. Аъло ўқиши, ташкилотчилиги ва намунали ҳулқи учун таълим йўналиши бўйича мукофотга тавсия этилди.



**Оқилова Марғубахон Абдуҳамидовна** – Пскент тумани қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи инглиз тили ўқитувчиси. Ватанга, онага садоқатни, муҳаббатни ифодаловчи туркум шеърлари, маънавий-маърифий соҳага қўшаётган ҳиссаси ва ёшларга ватанпарварлик туйғусини сингдириш борасида олиб бораётган фаолияти учун маданият йўналиши бўйича мукофотга тавсия этилди.



**Авлиёқулова Азиза Авазовна** – Тошкент Давлат Аграр университети иқтисод факультетининг IV-курс талабаси. Пахтачилик соҳасидаги долзарб муаммолар бўйича илмий-назарий жиҳатдан олиб бораётган изланишлари ва ёзган кўплаб мақолалари, аъло ҳулқи учун фан йўналиши бўйича мукофотга тавсия этилди.

**БИЗ ИҚТИДОРЛИ ҚИЗЛАРИМИЗГА МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙМИЗ.**

# ЁРДАМ ДАВОМ ЭТАДИ

*Ангрен шаҳар фавқулодда ҳолатлар бўлими жамоаси турли кўнгилсиз табиий ходисаларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни кенг кўламда амалга оширяпти. Ер сурилиши, қор кўчкилари, сув тошқинлари бўлиши эҳтимоли бор жойлар аниқланиб рўйхатга олиняпти. Айни вақтда бўлим Бўка туманининг ўз оталиғидаги хўжаликларига яқиндан ёрдам беришни давом эттирмоқда. Унинг ходимлари пахта йиғим-теримида фаол қатнашиб, бўкаликларнинг 8 минг тонналик хирмонини барпо этишга муносиб ҳисса қўшган эдилар.*

*Улар кузги-қишки тадбирларни бажаришда ҳам пахтакорларга ёрдам қўлини чўздилар. Бунинг учун тракторлар ва бошқа қатор техника воситаларини бўкалик пахтакорлар ихтиёрига бердилар. Деҳқонлар улардан экин майдонларини шудгор қилиш ва текислашда фойдаланишяпти.*

***Ўз мухбиримиз.***

# «ОЛОВИДДИННИНГ ЧИРОҒИ» СЕҲРЛИМИ?

***Орзу-умидлар билан тўй қилиш, фарзандлар камолини кўриш ҳар биримизнинг кўнгилдаги орзуимиздир. Албатта, тўй-тантаналар кечқурунга мўлжалланади. Шундай экан, тўйхона зимистонга айланиб ётса, нима қилардингиз?***

*Луқма*

Айтайлик, тўйни ҳам бошлаб юбордингиз. Узоқ-яқиндан келган қариндошларингиз, ёру-биродарларингиз давранi тўлдириб ўтиришибди. Бир томонда ҳофизу машшоқлар ашула айтишга шай бўлиб туришибди. Лекин, тўйхона қоп-қоронғу.

Эпчил йигитчалар қаердандир шам топиб келишган, у ер-бу ерда жинчироқларнинг шуъласи пирпираб туради. Ана шундагина электр чироғининг қадри ўтаётганини яна бир бор ҳис қиласиз.

Тўйбошининг жони ҳалак. Қани энди бу чироқ деганлари ёна қолса! Электр тармоғи идорасига борган элчи қуруқ қайтди: «Сираям иложи йўқ эмиш, юқоридан махсус топшириқ бор экан».

Агар шундай манзарани кўрмоқчи бўлсангиз, Бўстонлиқ туманига қарашли Товоқсой қўрғонига бир келинг-а. Ажойиб-ғаройиб воқеаларнинг гувоҳи бўласиз. «Оловиддиннинг чироғи бўлса ҳам кошкийди», деб юборганингизни билмай қоласиз. Шуни айтиш керакки, бу ерда ҳар шанба куни электр чироғини ўчириб қўйиш одат тусига кириб қолган.

Туман электр тармоғи идорасидаги бошлиқларнинг жавоби битта: «Электр қуввати етишмаслиги сабабли Товоқсойда шанба кунлари чироқ узиб қўйилади».

Гап тамом, вассалом.

– Ахир тумонат одам йиғилган. Жо-он ака, бир сафар улаб бера қолинг, – ялинасиз бошлиққа.

– Бу иш режа асосида амалга оширилмоқда, жума куни соат 24дан шанба куни 24гача ҳеч нарса қилолмайман. Режани бузишга эса ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, – ҳижжалайди бошлиқ.

– Ахир, ҳоким муовини... – дейсиз чайналиб.

– Сира иложи йўқ, дедим-ку, бу ерда мен ҳокимман. Эртага келинг, – чўрт кесади бошлиқ.

Тарвузингиз қўлтиғингиздан тушиб, тақдирга тан берганингизни билмай қоласиз.

... Бугун шанба. Шу сатрларни қоғозга туширарканман, қани, кўрайлик-чи, деб телефон дастагини кўтариб, туман электр тармоғи идорасига қўнғироқ қиламан.

– «Каждую субботу до 24 часов света не будет!» русча лисонда такрорлайди диспетчер.

Айтинг, айтинг, яна кимдир билмай тўй бошлаб қўймаган бўлсин-да.

***Зокиржон АСИЛТОЕВ,***
***Бўстонлиқ тумани,***
***Товоқсой қўрғони,***
***Наврўз кўчаси.***

# ТАРҒИБОТ АВТОБУСИ – ОҲАНГАРОНДА

*Ёнғин хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда*

***Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан шу йил 15 ноябрдан 15 декабрга қадар республикамизда ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда.***

Шу муносабат билан вилоят тарғибот-ташвиқот гуруҳининг Оҳангарон шаҳар ва туман ёнғиндан сақлаш бўлимлари билан ҳамкорликда «Оҳангарон-цемент» очиқ ҳиссадорлик жамиятида ўтказган тадбири корхонада ишловчиларни хушёррок бўлишга даъват этди.

– Тадбирнинг айнан шу ерда кенг миқёсда ўтказилаётганлиги бежиз эмас. – дейди жамоа ишчи-хизматчилари олдида сўзга чиққан Оҳангарон шаҳар ёнғиндан сақлаш бўлимининг бошлиғи, ички хизмат майори Ботир Нурмирзаев. – Чунки, яқинда худди шу корхонада ёнғин рўй берганди.

Оҳангарон туманидаги «Олмалиқ» хўжалигида жойлашган бир хонадонда уй эгаси печкани қаровсиз қолдирилганлиги туфайли ёнғин содир бўлганлиги, Паркент туманидаги автобус ёниб кетиб, олти кишининг ҳалок бўлишига сабаб бўлганлиги ҳайдовчининг эътиборсизлиги оқибатидир. Афсуски, бундай аянчли ҳоллар ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Шу боисдан ҳар бир киши ёнғин хавфсизлигининг оддийгина қоидаларига амал қилишни доимо ёддан чиқармаслиги керак.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари ўт ўчирувчиларнинг кўргазмали чиқишларидан воқиф бўлдилар. Бундан ташқари кенг миқёсда махсус «Ёнғин хавфсизлиги бурчаги» намойиш этилди.

Вилоят ёнғиндан сақлаш бошқармасининг тарғибот автобуси ўз йўналишини шунингдек, Оҳангарондаги маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи, «Айлин» ўзбек-турк қўшма корхонаси ҳамда «Оҳангарон-шифер» ва «Оҳангарон-дон» очиқ ҳиссадорлик жамиятларида ҳам давом эттирди.

***Қудрат ОДИНАЕВ.***

# «АНГРЕННОН» ЖАМОАСИ ҒОЛИБ

Ангрен шаҳрининг фахрий фуқароси Александр Калиниченко хотирасига бағишланган ва кончилар шаҳридаги корхоналар, ташкилотларнинг ўндан ортиқ минифутбол жамоалари қатнашган мусобақада «Ангреннон» акциядорлик жамияти ғолиб деб топилди.

Ғолиб жамоалар, энг яхши дарвозабон, ҳимоячи ва ҳужумчи деб топилганлар қимматбаҳо мукофотлар – гиламлар, телерадио аппаратлари, соатлар билан тақдирландилар.

***Нигора ПУСУРМОНОВА.***

*Дилкаш суҳбатлар*

# ДАРАКЧИЛАРНИ ИЗЛОВЧИ ОЛИМ

***Паркент туманига кираверишда Қорақалпоқ деган қишлоқ бор. У ерда осмонга қадалгудек бўлиб турган темир устунларни ҳар кўрганимда биродарим Асом аканинг сўзлари эсимга тушади: «Ҳов, ана шу қишлоқда ажойиб бир йигит бор-да. Ернинг қачон қимирлашини аниқ айтиб беради». Ўша ажойиб йигит Ўзбекистон Фанлар академияси Сейсмология институти магнит ионосфераси расадхонаси мудири, физика-математика фанлари доктори, Сабриддин Ҳусомиддинов экан. Ниҳоятда камтар, ўз касбига садоқати чексиз бу инсон жуда яхши суҳбатдош ҳам экан.***



**— Расадхонада неча йилдан бери ишлайсиз?**

— 1972 йилдан бери шу ерда меҳнат қиламан. 1980 йилда номзодлик, 1990 йилда докторлик диссертацияларини ёқлаганман.

**— Бу илмий даргоҳ катта бўлса керак...**

— Унчалик эмас. Илмий ва техник ходимлар бўлиб жами 14 киши ишлаймиз.

**— Расадхона яқинда ташкил этилганми?**

— Йў-ўқ, у 1924 йилда ҳам бор эди. Дастлаб Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатди. Бизнинг ишимизга сокинлик жуда ҳам керак. Шаҳар гавжумлашгач, Тошкент туманига — Келес шаҳрига кўчирилди. 1964 йилдан бошлаб Паркент туманида илмий-тадқиқотлар олиб бораяпмиз.

**— Агар сир бўлмаса, қиладиган ишингизнинг моҳияти нимадан иборат?**

— Марҳамат, ҳеч сири йўқ. Бошимиз узра турган осмоннинг етмиш километрдан юқориси ионосфера деб аталади. Биз мана шу ионосферани, ернинг электромагнит майдонларини, ерости сувларининг ҳолатини доимий назорат қилиб борамиз. Олинган маълумотларни халқаро геофизика маълумот алмашуви марказларига жўнатамиз. Марказлар 4та: АҚШнинг Колорадо штатида (у А марказ деб юритилади), Москвада (Б), Японияда (С), ва Брюсселда (Д) жойлашган. Марказлар барча маълумотларни йиғиб, бир-бирига солиштиради, хулоса ясайди, дунёнинг турли бурчакларида рўй берадиган ҳодисалар ҳақида илмий фикрларни жамлайди. Бу маълумотлар нега керак, деб ўйларсиз. Улар сайёрамизда олиб бориладиган кон қидирув ишларида, зилзила даракчиларини аниқлашда жуда қўл келади.

**— Демак, сиз ишлайдиган расадхона каби нуқталар анчагина экан-да?..**

— Улар мамлакатимизнинг деярли ҳамма жойларида бор. Албатта, бизнинг расадхона сингари мукаммал эмас, сейсмик станция сифатида ишлайди. Станциялардан олинган маълумотлар сейсмология институтида тўпланади. Бир-бирига солиштирилади, илмий якунлар чиқарилади.

**— Боя зилзила даракчилари ҳақида гапиргандек бўлган эдингиз...**

— Ҳа, зилзила даракчиларини аниқлаш ҳам бизнинг иш фаолиятимизнинг бир қирраси.

**— Даракчиларни оддий кўз билан кўрса бўладими?**

— Э, йўқ, бунинг иложи йўқ. Зилзила бўлишидан маълум муддат олдин ернинг магнит майдонида, ерости сувларининг таркибида, ионосферада аномал ўзгаришлар содир бўлади. Уларни махсус жиҳозлар ёрдамида узлуксиз ёзиб олиб, кузатиб борамиз.

**— Барибир муштарийларимиз учун қизиқ-да: зилзилани олдиндан айтиб бериш мумкин, деб ҳисоблайсизми?**

— Аввало, Ўзбекистонимизнинг сейсмик фаол минтақада жойлашганини айтиб ўтишим керак. Зилзилани олдиндан башорат қилиш инсониятнинг асрий орзуси. Биз бу башоратни деярли амалга ошириш имконига эгамиз. Лекин, фалон куни, фалон соатда мана шу ерда, мана бунча куч билан ер қимирлайди, деб аниқ айтиш барибир мушкул. Сизга айтсам, зилзилани олдиндан билиш, яъни унинг даракчиларини аниқлаш уч босқичга бўлинади. Биринчи босқич узоқ муддатли, иккинчиси ўрта муддатда, яъни бир неча йиллар, ойлар; учинчиси эса қисқа муддатли, бунда бир неча кун ва соатлар ичида айтилади. Аввало зилзиланинг кўринишлари ҳақида бир неча оғиз сўз. Улар табиатан вулқон фаолиятига, техноген ҳамда тектоник ҳодисаларга боғлиқ зилзилалардир. Ўзингиз биласиз, бизда вулқонлар йўқ. Техноген зилзилалар эса маълум бир сабабларга кўра рўй беради. Ҳажми унча кучли бўлмайди. Энг кучли зилзилалар тектоник зилзилалар ҳисобланади. Улар асосан тоғлар ривожланиши асносида содир бўлади. 1966 йил Тошкент зилзиласи ана шундай бўлган эди.

**— Сиз зилзила даракчилари ҳақида сўзлаяпсиз. Газетада ўқувдим, 1948 йилги Ашхобод зилзиласидан аввал барча жонужондорлар уяларидан қочиб чиқишган экан.**

— Тўғри, илонлар, отлар, калтакесаклар, бошқа турли ҳашаротлар зилзилани олдиндан сезиш қобилиятига эга. Улар биологик даракчилар деб номланади. Биз эса геофизик даракчиларни аниқлаймиз, илмий жиҳатдан ўрганамиз.

**— Ерости сувларини ҳам ўрганамиз, деяпсиз. Улар қандай тадқиқ этилади?**

— Зилзила бўлишидан олдин ерости сувларининг сатҳи, босими, кимёвий таркиби, илмий тил билан айтганда, гидродинамик ҳолати ва таркиби ўзгаради. Шундай пайтларда академик А. Султонхўжаев раҳбарлигида кенг кўламда иш олиб борилади.

**— Кечирасиз, очилиб гапирмаяпсиз-да, қайси институтни битиргансиз?**

— Тошкент Давлат алоқа институтини тамомлаганман. Академиклар Соболев, Султонхўжаев, сейсмология институтининг ҳозирги директори Қаҳҳор Абдуллабековнинг шогирдиман...

**— Мана, яна тўхтадингиз?**

— Савол беринг-да.

**— Оилангиз каттами?**

— Анчагина катта. Отамиз бизнинг ҳаммамизни — 9 фарзандни ўқитган, ҳаммамиз олий маълумотлимиз. У киши менинг олим бўлишимни жуда ҳоҳлаган эдилар. Ўзимнинг олти фарзандимнинг тўрттаси институтларни тугатган иккитаси ўқияпти. Бироқ оилада менинг издошларим йўқ.

**— Лекин шогирдларингиз бордир?**

— Ҳа, албатта. Саодат Ёқубова диссертациясини ёқлаб, физика-математика фанлари номзоди бўлди. А. Азимов билан Хонбиби Оллоберганованинг илмий ишлари тайёр бўлди. Улардан жуда хурсандман.

**— Расадхонангизга қайтсак. У барча зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланганми?**

— Ҳа, бусиз ишлаб бўлмайди-ку. Лекин, замон талабига жавоб бермаяпти. Уларни янгилаш жуда зарур.

**— Илмий-тадқиқий ишларингиз халқ хўжалигида ҳам қўлланиладими?**

— Ҳар қандай илмий хулоса одамларга, жамиятга хизмат қилади. Бизнинг тадқиқотларимиз қурилишда, тиббиётда, ер илмини ўрганишда катта фойда беради.

**— Кичкина суҳбатда фаолиятингизнинг барча қиррасини синчиклаб сўраш мумкин эмасга ўхшаяпти...**

— Геофизиканинг ўзи ҳам мураккаб соҳа-да. Битта саволимизни муфассал тушунтириш учун соатлаб вақт зарур. Мисол учун айтай: магнит бўронларини эшитганмисиз? Шу бўронларнинг инсон саломатлигига таъсирини тушунтиришга икки соатлик маъруза камлик қилади.

**— Сабриддин ака, сиз бош бўлган расадхонанинг фаолияти муҳим бир соҳа эканлигини билиб олдик. Мабодо, муштарийларимизга бирон-бир сўз айтасизми, деб сўрасам, нима деган бўлардингиз?**

— Эски-ю, лекин сира эскимайдиган гап: табиат сирлар хазинаси. Бу хазинанинг калити — илм. Илмли ёшларимиз кўпайса, айни муддао бўларди.

***Суҳбатдош Темур УБАЙДУЛЛО.***

# «ҚАДДИНГНИ ТУТ, АЁЛ»

***Ангреннинг Дукент қўрғонидаги маданият саройида бўлиб ўтган семинар-кенгаш шу мавзуга бағишланди.***

Ногирон фарзандлари бўлган аёлларни муҳофаза қилувчи «Комила» маркази ташкил этган йиғилишда қўрғон ва унинг атрофидаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи жисмонан ожиз болалари бўлган оналар, мактаблар ўқитувчилари ва болалар боғчалари тарбиячилари қатнашдилар.

Семинарда шаҳар ҳокими ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулчеҳра Одилова, «Комила» маркази раиси Дилбар Абдуллаева, руҳшунослар, ҳуқуқшунослар, кекса педагоглар мамлакатимизда ногирон болаларнинг ижтимоий муҳофазасига тобора катта эътибор берилаётганлиги, «Соғлом авлод йили»да жорий қилинган янги имтиёзлар ҳақида тўхталдилар, йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

***Ўз мухбиримиз.***

*Насрий масал*

# ҒОЛИБ БЎЛГАН ҲУНАРМАНД

*Бир қишлоқда уришқоқ, сўкиш бобида ҳеч ким тенг кела олмайдиган бир киши яшар экан. Фалакнинг гардишини қарангки, унинг гўзалликда тенги йўқ қизи бор экан. У қиз нафақат гўзал, балки доно ва оқила ҳам экан. Қиз улғайиб, вояга етгач, таърифини эшитиб, ҳар томондан совчи кела бошлабди. Шунда ота келган совчиларга: «Кимда ким сўкиш бобида мени мағлуб қилса, ўшанга қизимни бераман!» дебди. Буни унга қизи маслаҳат берган экан.*

*Шундай қилиб, куёвликка номзодлардан совчи келаверибди. Навбат бир ҳунарманд йигитга етибди. Қизнинг отаси бўралаб-бўралаб сўкибди. Ҳунарманд индамасмиш. Қизнинг отаси жон-жаҳди билан уни шундай ҳақоратлабдики асти қўяверасиз. Ҳунарманд яна индамасмиш. Қизнинг отаси дунёда қанча сўкишу қарғишлар бўлса, барини айтибди. Аммо йигит ҳамон миқ этмасмиш. Қизнинг отаси охири ҳолдан тойиб ўтириб қолибди. Ҳатто оғиз очишга ҳам кучи етмабди. Йигит бўлса бамайлихотир: «Ит ҳуради, карвон ўтади» дея даврадан чиқиб кетибди.*

*Шу ҳунарманд совчиларнинг сўнггиси экан. Энди навбат ким ғолиб бўлганини аниқлашга келибди. Шунда қиз ғолиб ҳунарманд бўлганини айтганида, тўпланган оломон ҳайратга тушиб: «Ахир у отангни бирорта гапига жавоб қайтармади-ку?» дебди. Шунда қиз: «У ўзининг сукути билан жавоб қайтарди. Унинг сукутидан отам қай ҳолатга тушганини ўзингиз кўрдингиз. Мен шу йигитга тегаман. Чунки, ҳар қандай шароитда ўзини тутиб, жаҳлини жиловлаб, сукут сақлаб турмоқ учун жуда катта матонат керак!» дебди. Қиз ҳунармандга турмушга чиқиб,ували-жували бўлиб кетган экан.*

*Қиссадан ҳисса: жаҳлини жиловлай олганлар ҳеч қачон мағлуб бўлмайди.*

***Севдора ЛАТИПОВА.***

*Ҳикмат — бир ҳовуч олтин*

## ДОНОЛАР АЙТИБДУРЛАР:

- Мўътадил бўлмаган фаросат доим илгари кетадиган соатга ўхшайди.
- Қалбингнинг роҳатда бўлишини истасанг, пок ва холис ниятда бўл.
- Кўнглида гина сақлаб юрадиган киши ҳеч кимга мақбул бўлмайди.
- Кенгашиш — ақлларнинг қўшилиши демакдир.
- Фаҳм-иродали, зийрак одамлар фикр ойнасига оқиллар ишорати ва насиҳатлари билан сайқал берадилар.
- Одамнинг энг бахтли они бошқаларга эзгулик қилган онларидир.
- Ўзингиздан олдин келганлардан ибрат олинг, кейин келганларга ибрат бўлинг.
- Қилинган яхшиликларнинг офати —. «яхшилик қилдим» деб мақтаниб юришдир.
- Эртага қайғуга сабаб бўладиган бугунги шодликнинг маъноси йўқ.
- Меҳнатни севмаган киши ҳар турли номақбул ишлардан тортинмайди.

***Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади.***

# ЦИРК — МЎЪЖИЗАЛАР МАМЛАКАТИ

***Цирк болаларга ҳам, катталарга ҳам қувонч ва сурур бағишловчи, кўнгилларни ғаройиб нашу намоларга тўлдирувчи, томошабинга завқу шавқ бахш этувчи, юракларни ҳаприқтириб, эс-хушингни бир нафасда олиб қўядиган мўъжизалар мамлакатидир.***

Агар сиз «Ўзбек Давлат цирки»нинг республика бирлашмасига қарашли Тошкенбой Эгамбердиев номидаги Тошкент Давлат циркига ташриф буюрсангиз, ажойибу ғаройиб воқеаларнинг шоҳиди бўласиз.

Бу ерда мана бир неча кундирки, кор-дебалет труппаси ҳамда жаҳондаги энг кичик одамчалар иштирокида халқаро лилипутлар циркининг катта ва қувноқ дастури давом этмоқда.







Унда қўлга ўргатилган бўғма илонлар, маймунлар, кабутарлар ва кучуклар ўз эгаларига бўйсунган ҳолда турли-туман антиқа мўъжизалар кўрсатадилар. Уларга афсунгарлар, иллюзионистлар ва Юрик, Толик, Миша сингари айжойиб масхарабозлар жўр бўладилар.

Армонда қолманг, зўр цирк томошалари сизларга мунтазир.

*СУРАТЛАРДА: цирк томошаларидан лавҳалар.*

***Дилшод АҲМЕДОВ олган суратлар.***

Сиз «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га обуна Бўлдингизми?

# «ОҲАНГАРОН-С» — БИРИНЧИ ТАБАҚАДА

*Футбол*

*2000 йилги вилоят чемпиони «Оҳангарон-С» жамоаси келаси йили Ўзбекистон миллий чемпионатининг биринчи табақасида ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритди.*

Газетамизнинг ўтган сонида хабар қилганимиздек, вилоятимиз вакиллари — «Оҳангарон-С» футболчилари республика чемпионати биринчи табақасига чиқиш учун олтита жамоа ўртасидаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, бир поғона юқори табақага йўлланмани муддатидан илгари қўлга киритди.

Ўтиш мусобақаларининг биринчи куни вакилларимиз «Ҳазорасп» (Хоразм) жамоасини йирик — 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратганларидан мухлисларнинг хабарлари бор. Иккинчи куни эса оҳангаронликлар ўзларининг асосий рақиблари, яъни икки йўлланманинг бирига даъвогар бўлган ЎМБ «Осиё» футболчилари билан куч синашиб, ўйинни 2:0 ҳисобида ўз фойдасига ҳал этдилар.

Ана шу икки ғалабадан сўнг вакилларимиз учинчи ўйинда ҳам рақибларини мағлуб эта олсалар биринчи табақага йўлланма тақдири ҳал этилиши маълум бўлган эди. Вилоятдошларимиз бу имкониятни қўлдан бой бермадилар. Улар «Риштон» жамоасини 1:0 ҳисобида енгиб, йўлланманинг бирини муддатидан илгари қўлга киритдилар.

Иккинчи йўлланманинг кимга насиб этганлиги эса кеча ўтказилган учрашувлардан сўнг маълум бўлди.

*Бу қизиқ*

## ТОКИО ЧЎКМОҚДА



Иккинчи жаҳон урушидан кейин Япониянинг кўпгина ҳудудларида ер сатҳи сезиларли даражада пасайди. Айрим жойларда у 180 сантиметргача ва ундан ҳам кўпроқ чўкди. Мутахассислар, айниқса Токиода бундай аҳвол ташвишлидир демоқдалар. Токио қўлтиғида оқадиган баъзи дарёлар устига қурилган кўприклар сув сатҳига жуда яқинлашиб қолган, натижада илгари улар остидан бемалол ўтадиган кемалар эндиликда ўтолмай қолаяпти. Сувнинг кўтарилиши Токионинг ўн фоиз, яъни 80 квадрат мил ҳудудини босмоқда. Бундай нохуш ҳолат вужудга келишининг бир неча сабаблари бор. Япония пойтахтида ниҳоятда оғир ва баланд иморатларнинг кўплаб қурилиши, шунингдек, ер ости об-ҳаётининг рўзғор ҳамда саноат ишлаб чиқариши эҳтиёжлари учун назоратсиз сарфланиши унинг асосий сабабларидир.

## «НИНАНИ ДАФН ЭТИШАДИ»



Японияда шундай одат бор — ҳар йили 8 февраль куни чеварлар ва модельерлар «нинани дафн этадилар». Мамлакатда бу одатга қадим замонлардан бери амал қиладилар. Ривоятларга қараганда, бундан бир неча аср муқаддам подшоҳ феодалларнинг бирига бўйрага кириб қолган синган нина кириб кетади. У бундан ғазабланиб, барча синган ниналарни йиғиб, уларни кўмиб ташлаш ҳақида фармойиш чиқаради. Шу-шу бу японларнинг миллий одатларидан бирига айланиб қолди.

*Турмуш чорраҳаларида*

# ХОРЛИКНИНГ ЗОРЛИГИ

Вундан ўн йиллар муқаддам шаҳардаги нуфузли оилага келин бўлиб тушган Муниса бошида бинойидек яшади. 3-4 ой ўтгач, оилада тотувликнинг йўқлигидан, катталар — қайнона ва қайнотанинг бир-бирига бўлган муносабатидан, йиллаб аразлаб сўзлашишмаслигидан Мунисанинг кўнгли қолди. Кўчада обрўли бўлган эркакнинг оилада бир чақачалик ҳурмати йўқлиги уни таажжубга соларди.

Орадан бир йил ўтмаёқ Мунисалар Тошкентга кўчишди. Улар билан бирга қайнонаси ҳам келди. Деярли 40 йилдан ортиқ бирга яшаган ота Пскентда, она эса шаҳарда яшай бошлади. Кўп ўтмай ҳовли-жой ҳам сотиб олишди. Бу орада Муниса бир қизлик бўлди.

Мунисанинг турмуш ўртоғи яна каттароқ лавозимга кўтарилди. Бора-бора оиласи, фарзанди борлигини ҳам эсидан чиқариб бирга ишлайдиган бир аёлга ҳеч кимга билдирмай уйланиб ҳам олди. «Бир куни онанинг қон босими кўтарилиб, оғир аҳволда қолди. Муниса дарров «Тез ёрдам» чақириб касалхонага олиб борди. Бу орада анчадан бери кўринмай кетган ўғил ҳам пайдо бўлди ва хотинини ура кетди.

— Онамни сен касал қилгансан, қани онамга бирор кор-ҳол бўлсинчи...

Ўша вақтда ёнида бўлган қайниси ҳам, қайнсинглиси ҳам унинг ёнини олишмади. Бундай воқеалар тез-тез такрорланар, ҳар гапнинг бирида уни хотин қилмаслигини писанда қилиб ҳайдарди.

Муниса охири чидай олмади. Кетишга мажбур бўлди. Келин бўлиб тушган уйига қайтишга ҳам ҳайрон. Чунки у ерда фақат қайнотанинг бир ўзи яшайди, одамлар нима дейди?

***Борар жойи касалхона бўлиб қолган Муниса фарзандларининг отаси ёнига охирги марта нажот истаб борди. Шунда эр:***
***— Менга ўзинг ҳам, ўғил-қизинг ҳам керакмас, касалманд фарзандларинг билан қандай келган бўлсанг, шундай кетавер, — деди совуққонлик билан.***

Ота-онасининг уйига келди.

Орадан олти ой ўтгач, фарзанди учун нафақа ундириш ниятида шаҳарга, қайнонасининг олдига борди. Шунда қайнона:

— Болам, ўртада гулдек фарзандларинг бор, ярашиб яшаб кетинглар, — деди.

«Нечун қайнонам инсофга келиб қолибдилар, зора ўғиллари ҳам сал бери қайтса», деган хаёл билан ўша уйда қолди.

Йўқ, уларнинг нияти бўлак экан. Шаҳардаги уйлари давлат томонидан бузилаётгани учун одам сони кўпроқ бўлса, шунга яраша уй ажратишларини эшитиб қолиб, ҳарна иккита бўлса ҳам одам сони кўпайсин, дейишиб, Мунисага ширин муомала қилишган экан.

Янги уйда ўн ой бирга яшашди. Сўнг яна Мунисани ҳайдашга тушишди. У яна ўз уйига қайтди. Лекин, орада яна битта фарзанд — ўғил дунёга келди. Қанча ситамлар, оиладаги муҳит туғилган фарзандга ҳам ўз таъсирини кўрсатган эди. Ўғил касалманд туғилди. Борар жойи касалхона бўлиб қолган Муниса фарзандларининг отаси ёнига охирги марта нажот истаб борди. Шунда эр:

— Менга ўзинг ҳам, ўғил-қизинг ҳам керакмас, касалманд фарзандларинг билан қандай келган бўлсанг, шундай кетавер, — деди совуққонлик билан. Муниса йиғламоқдан бери бўлиб эрининг идорасидан чиқди.

...Мунисанинг кўз очиб кўрган эри мана неча йилдирки бефарзанд яшамоқда. Ўз фарзандларини хўрлаган тирноққа зор бўлади, деганлари шу бўлса керак-да.

***Л. ОДИЛОВА.***




Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 2-5 декабрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради.

Айрим ҳудудларда ёғингарчилик бўлиб, тоғолди туманларда қор ёғиши эҳтимоли бор. Ғарбдан Шарққа томон эсган шамолнинг тезлиги ҳар сонияда 7-12 метрга етади. Ҳарорат кечалари 3 даража совуқ, 2 даража илиқ, кейинчалик 0-5 даража илиқ, кундуз кунлари эса 4-9 даражадан 7-12 даражагача илиқ бўлиши кутилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-1004. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.00. 1 2 3 4 5 6